



EZGU FIKR, EZGU SO'Z, EZGU AMAL!

1-OKTABR – O'QITUVCHILAR VA
MURABBIYLAR KUNI

AL-XORAZMIY NOMIDAGI
URGANCH DAVLAT UNIVERSITETINING
ILMIY-METODIK JURNALI



2013 - 9

MUNDARIJA

1-ОКТАВР – О‘QITUVCHILAR VA MURABBIYLAR KUNI

С. Хўжаниёзов, X. Рўзметов. Замон билан ҳамнафас.....	3
---	---

OGAHUYXONLIK

М. Салаева. Муҳаммад Ризо Огаҳий маърифий-педагогик меросидан синфдан ташқари тарбиявий ишларда фойдаланиш шакллари.....	8
--	---

GEOGRAFIYA

Д. Рўзметов, М. Хамроев, Д. Юсупова. XVII – XVIII асрларда жаҳон табиатшунослиги ва географиясидаги илмий текширишларнинг умумий даражаси.....	13
--	----

IQTISODIYOT

Ф. Абдуллаев, Д. Худайберганов, Ж. Рахимов. Сайёҳликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари.....	18
---	----

FALSAFA VA TARIX

О. Мухаммадиева. Ўзбекистонда миллий парламентаризм ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари.....	23
Э. Нишонбоева. Фуқаролик жамиятида ижтимоий шерикчилик шаклланишининг тарихий-фалсафий илдизлари: мънавий-аксеологик ёндашув.....	27
У. Хўжамуратов. Ўзбекистонда аграр соҳа: муаммолар, ечимлар ва истиқболлар.....	34
Ш. Искандаров. Ўзбекистон арабларининг этномаданияти: анъанавийлик ва замонавий-лик.....	36

TILSHUNOSLIK

R. Yo‘ldoshev, A. Matniyazov. Qadimgi xorazmiy tiliga doir manbalar xususida.....	40
Х. Самигова. Ўзбек риторикасида Шарқ маданиятига хос бўлган омиллар.....	43
Г. Валиева. Компонентли паремияларнинг семантик хусусиятлари.....	47
Б. Қодирова. Бадиий матннаги айрим белги билдирувчи сўзлар семантикаси ҳакида.....	51
С. Эргашева. Социолингвистикада меъёр ва узус масаласи.....	54

ADABIYOTSHUNOSLIK

А. Холмуродов. Машраб ва замонамиз.....	58
---	----

ILMIY AXBOROT

О‘. Ahmedova. Ingliz va o‘zbek maqollarining lingvokulturologik xususiyatlari: mentalitet va milliylik.....	62
M. Nurmatova. Ingliz tili va o‘zbek tillaridagi frazeologik birliliklarning leksik-semantik xususiyatlarini taqqoslash.....	64
М. Қодирова. XVI – XVII асрларда мурожаатнинг шаклланиш тарихи (инглиз тили материаллари асосида).....	66
Н. Сулайманова. Инглиз ва ўзбек тилларида локатив объект семанинг ифодаланиши....	71
Г. Искандарова. Боланинг сўз ўзлаштиришдаги илк даври.....	73
А. Қаландаров, У. Қутлимуратов. Инглиз тили гапларида компаративликнинг тўлдирувчи-	

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 1994 йил 21 январдаги “Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк ҳимоя қилишни таъминлаш тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги ва Вазирлар Махкамасининг 1994 йил 23 февралдаги “Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тұғрисида”ги қарорига мувофиқ, жамоа хўжаликларини (сохта кооператив-колхозларни) аъзолари ишлаб чиқариш воситалари ва маҳсулотнинг амалдаги мулкдори бўладиган ҳақиқий кооперативларга айлантирилди. Совхозлар ва давлатга қарашли бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарини кооперативларга акциядорлик жамиятларига, фермер хўжаликлари уюшмаларига айлантира бошланди. Деҳқон (фермер) хўжаликларини ривожлантириш ҳамда уларни йирик хўжаликлар (кооперативлар, акциядорлик жамиятлари) билан интеграциялаш, ана шундай интеграция асосида турли уюшмалар ташкил этишга киришилди. Маҳсулдорлиги кам бўлган чорвачилик хўжаликларини хусусийлаштириш бошланди. Майда, самарасиз боғлар ва узумзорларни ўн йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага бериладиган бўлди.

1991 йилда Ўзбекистонда Республикаси аграр секторда 940 та жамоа хўжалиги, 1108 та совхоз, 210 та ҳар хил хўжаликлараро бирлашмалар бор эди. 1996 йилга келиб, совхозлар 16 та, жамоа хўжаликлари 1389 та, қишлоқ хўжалик кооперативлари 866 та ва бошқа хўжалик (асосан, ижарай) корхоналари 1895 та ва 3 миллионга яқин шахсий ёрдамчи хўжаликларни бирлаштирувчи деҳқон уюшмалари бор эди. 1500 га яқин чорвачилик фермалари акциядорлик жамиятларига айлантирилди.¹

1991–1996 йил даврида фермер хўжаликлар сони 3,8 баравар кўпайиб, деярли 20 мингга етди. 1998 йилга келиб, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида 1043 та жамоа хўжалиги, 21864 деҳқон (фермер) хўжалиги, 444 ширкатлар уюшмаси, 288 давлат хўжалиги, 155 хўжаликлараро корхоналар, 764 хусусийлаштирилган фермалар, 751 курилиш ташкилотлари ва бошқалар бўлган.²

Демак, Ўзбекистонда хусусийлаштириш жараёнининг энг диққатга сазовор жиҳати – бу давлат мулки, жамоа мулки ва хусусий мулк teng ҳуқукий мавқега эга бўлган аралаш иқтисодиётни шакллантиришдан иборатдир. Мана, бугун, орадан йигирма бир йил ўтгандан кейин ҳозирги аҳволга қараб ислоҳотлар қай даражада тўғри ва самарали, ҳалқ манфаатларини кўзлаб ўтказилганлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Жумладан, ишлаб чиқариш самарадорлиги опди – асосий қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ва чорва маҳсулдорлиги ўсди. Хусусий фермер хўжаликлирида рентабеллик ортди ва озиқовқат маҳсулотларини барқарор тарзда ишлаб чиқариш масаласида мамлакатимиз озиқовқат хавфсизлигини таъминлайдиган даражада ижобий ўзгаришларга эришилди.

Шерзод ИСКАНДАРОВ (Низомий номидаги ТДПУ)

ЎЗБЕКИСТОН АРАБЛАРИНИНГ ЭТНОМАДАНИЯТИ: АНЪАНАВИЙЛИК ВА ЗАМОНАВИЙЛИК

Аннотация. Уибу мақолада анъанавий ва замонавий маросимлардаги араб этномаданиятининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Жумладан, араб ҳалқининг шаклланиши, ўзбек ва араб ҳалқлари этномаданияти билан бөглиқ қирралари жараёни ўрганилган.

Аннотация. В статье анализируются современные особенности этнокультуры традиционных и современных арабских обрядов. В частности, изучается история появления арабского народа, аспекты, зависящие от этнокультуры узбекского и арабского народов.

¹ Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида Президент Ислом Каримов тарафдорининг танқидий мулоҳазалари. Т., “Ўзбекистон”, 2001, 223-бет.

² Тұхлиев Н. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 1997, 93-бет.

рдаги
эмис-
аҳка-
малга
да хў-
си ва
илди.
ларга
анди.
(коо-
т асо-
илик
тарни

лиги,
елиб,
та ва
рдам-
илик

ли 20
а жа-
ит хў-
илиш

иҳати
ялаш
тган-
ман-
, иш-
ги ва
озиқ-
озиқ-

ВА

этно-
лани-
ган.
туры
появ-
ского

кидий
ат ил-

Annotation. Forming process of Uzbekistan Arab's ethnoculture, national clothing and jewellery, residence and household, particular changings in traditionalism and modernism were analysed.

Калим сўзлар: этнос, маданият, моддий маданият, савдо алоқалари, этногенез, кийим-кечак, безаклар.

Ключевые слова: этнос, культура, материальная культура, торговые отношения, этногенез, одежда, украшения.

Key words: etnos, culture, material culture, targovle otnosheniya, ethnogeny, clothes, orgamentation.

ХХ асрни тарихда ўзига хос ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ўзгаришлар даври деб аташ ўринлидир. Ҳар бир этносларнинг ўзига хос томонларни тадқиқ этишда, унинг этномаданий, савдо-хўжалик, этнолингвистик, этногенетик алоқаларни ўрганишни талаб этади. Шу жумладан, Ўзбекистонда яшаб келаётган диаспорлардан бири араблар бўлиб, уларнинг этномаданиятини ўрганиш бугунги кун замонавий этнология фанидаги долзарб масалалардан биридир.

Юртбошимиз И. А. Каримов таъкидлагандек, “... минтақада яшаётган халқларнинг жуғрофий, этномаданий ва ижтимоий-диний яқинлиги миллатлараро мулоқот ва давлатлараро ташқи сиёсий ва савдо-иқтисодий муносабатларининг ижобий жиҳатлари сифатида майдонга чиқмоқда”

Ўзбекистондаги арабларнинг моддий ва этномаданияти тўғрисида бир қатор олимлар томонида илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, К. Ш. Шониёзов, Х. Исмоилов, Б. Х. Кармишева, О. А. Сухарева, ва бошқа тадқиқотчиларнинг ишларида дехқон ва чорвадор аҳолининг моддий маданиятидаги этник ўзига хослилик кўрсатиб берилган.

Ўрта Осиёга арабларнинг миграциясини кейинги босқичи Амир Темур даврига келиб кузатилган. Ўрта Осиёга араблар Темур даврида Афғонистон ҳудуддан кўчиб келиб жойлашган. Ҳусусан, Жонибек сultonнинг Балх, Шибирғон ва Андхуй аҳолисини ўз мулкига тушган Зарафшон воҳасига кўчирганлиги, улар орасида афғонистонлик араблар ҳам бўлганини тасдиқлайдиган далиллар учрайди. Ўзбекистон арабларининг этномаданиятини иккинчи босқич даври юз берди. Араблар халқини мана шу даврида кўчиб келган катта қисми ўзига хос мухим факторлари сақлаб қолган. Марказий Осиё халқларига хос кийимлар ҳам мазкур минтақа ва унга туташ бўлган ҳудудларда яшовчи турли этник гуруҳларининг узоқ давом этган ўзаро иқтисодий, этномаданий алоқалари таъсирида ривожланган Ўзбекистонда яшовчи арабларининг кийими, мато тайёрлаш ва уларнинг турларини ўрганиш борасида Х. Исмоилов самарали иш олиб борди. У ўз асарларида Қашқадарё вилоятидаги Миришкор туманига қарашли, Жейнов қишлоғидаги арабларнинг маросимий ва дағн билан боғлиқ кийимларини илмий жиҳатни таҳлил этган. Араб халқининг миллий кийимларни ёритишга доир Қашқадарё воҳасида мисолидаги илк илмий тадқиқотларда бири яратилди. Шу сабабдан ҳам миллий кийим ва тақинчокларнинг тарихини ёритишида мухим манблардан бири ҳисобланди. Муаллиф мақоласида Ўзбекистондаги арабларнинг кадимий кўйлак намуналарини аксарият қисмни сақланиб қолганлигини таъкидлайди.

Араб кўчманчилари бадавий бўлиб, уларнинг асосий қисми чорвачилик билан шуғулланганлиги сабабли жун матодан гилам тўкишган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, савдо ва маданий алоқалар таъсирида ўрта аср ва ҳозирги даврда араблар томонидан таърибали, моҳир ҳунармандлар ҳам етишиб чиқсан. Улар араб миллий маданиятини ўзига хос жиҳатларидан сақлаб келишган. Араб ҳунармандлари томонидан тўқилган накшникос гуламлар ўзига хос безак чиройлилиги ва бозорбоплиги билан ажралиб туради.

Қашқадарё воҳасида яшовчи ҳар бир халқнинг тарихи қадимий ўтмишга бораш тақалади. Воҳада ўзига хос этник гуруҳ сифати шаклланиб келган этник гуруҳни ўз та-

ли, урф-одатлари, анъанавийлик, яшаш тарзи билан боғлиқ жараёнлар алоҳида ажралиб туради. Қашқадарёнинг жануби-ғарбида Миришкор туманидаги Жейнов қишлоғида яшовчи араблар ана шундай халқлардан бири бўлиб, улар моддий маданияти кийим-кечак ва тили ҳамда анъанавий маросимлари сақлаб қолган. Масалан, араб аёллари киядиган гиззи (аёллар бош кийими), хатабак (тақинчоқ), бухнак (безак тури) бурун тақиладиган натти (балдоқ) ва чет натти каби тақинчоқлар араб миллий маданиятининг ўзига хос бўлган жиҳатларни ифодалайди. Жумладан, тадқиқ этган ҳудудларида араб ҳунармандчилик мажмуалари тааллукли материаллар “сирға”, “синсила” каби тақинчоқлари ҳам араб миллий маданиятининг ўзига хос жиҳатларидан биридир. Ҳозирги шароитида юкорида санаб ўтилган ижтимоий-иктисодий, этномаданий, табиий-географик ва сиёсий омиллар таъсирида арабларнинг миллий ҳунармандчилиги йўқолиб кетмоқда бу ҳам, ўз навбатида, араб миллий ўзликни англаш билан боғлиқ факторларнинг камайишига олиб келади.

Аслида, анъанавийлик ўзига хос қонуниятлар билан яшайди. Улар нисбий мустақилликка эга у ёки бу анъана вужудга келтирган шарт-шароитлар ва вакт меъёри билан ўзгариб ёки тамомила йўқолиб кетса ҳам, у ўз кучи билан яшайверади. Анъаналар ўз мазмун-моҳияти билан замон руҳига қанчалик мос тушса, ҳамоҳанг бўлса, жамият тараққиётини шунчалик осонлаштиради, жадаллаштиради ва, аксинча, яъни унга тўғри келмаса, ижтимоий тараққиётга ғов бўлиши мумкин. Ҳар қандай маданиятни унинг ўз маъно белгилари ва қадриятларидан келиб чиқиб ўрганиш керак бўлади. Арабларнинг анъанавий миллий либослар тўғрисида илмий тадқиқот ишларни олиб борган Ҳ. Исмоилов арабларнинг маданиятини тадқиқ этиш асносида кийинишининг ўзига хос жиҳатларини таҳлил этади. Унинг таъкидлашича, кекса эркаклар – “наббат” ёки “жадди”, кекса аёллар – бувилар “набба” ёки “жудо”, ўрта ёшли эркаклар “сабайн”, болалик аёллар – “кадаса”, ёш йигитлар – “рузъон”, қизлар – “бинад”, “бинг” киядилар. Арабларнинг муҳим бир жиҳат ёшларга қараб кийим кийиш одат ўтмишдан сақланиб қолган.

Араб қизлари, ҳали турмушга чиқмаган пайтларида, соchlарини қулок ортига ташлаб юрадилар. Хотинлар, жувонлар эса соchlарини қулокнинг олдига тарам қилиб чиқарадилар. Ёши катта аёллар оқ гиззи кийганлари сингари, ёш қизлар, жувонлар нафис ҳарир қизил гиззини хуш кўрадилар. Араб хотин-қизларига хос безаклар силсиласида хатабак-пешбанд алоҳида ўрин тутади. Гиззи икки хил: биринчиси – қизил гизза, буни араб қизлари тўрт ёшдан бошлаб киядилар.

Ўзбекистон арабларининг миллий ҳунармандчиликдаги ўзига хос саънати сақланиб қолган. Жумладан, Бухорода араб қавмига қарашли бўлган гилам тўқувчилар дўкони бўлган. Бу дўконхона қалъанинг шарқий дарвозаси яқинида “Араблар уйи”га туташ эди. Айтиш жоизки, истило давомида араблар нафакат катта шаҳарларда жойлашиб колмасдан, уларга яқин бўлган қишлоқларга ҳам ўрнашганлар. Буни Самарқанд ва унга ёндош бўлган мавзелар мисолида кўриш мумкин. Гажжакдан ташқари, Нуротада аёллар, асосан, бой хотинлар ва ёш келинчаклар байрамларга, тўй-ҳашамларга бурунга тақидадиган тақинчоқ – “аробак” (аравак) ҳам тақсанлар. Мазкур тақинчоқ воҳада яшовчи ўзбек-туркманларда “латипа”, кўшни Челак туманининг айрим қишлоқларида эса “булоқи” деб ҳам аталган. Зарафшон водийсининг марказий қишлоқларида бурун тақинчоги “натибини” деб аталади. Мазкур тақинчоқни Ҳ. Кармышева Жанубий Тожикистанда ҳам учратгани ҳақида ёзган. Н. Азизова эса бурун тақинчоқлари ҳисобланган “аробак” ва “холбинди”ни кўпроқ тожик аёллар таққанлиги ва уни, асосан, Бухоро заргарлари тайёрлаганликлари ҳақида ёзган. Биз ҳам бу фикрга қўшилган ҳолда шуни маълум қиласизки, Нуротадаги тақинчоқ турлари, асосан, Бухородан қисман Самарқанддан олиб келинган. Аммо этнографик дала маълумотдагидан яна шу нарсалар маълум бўлдики, Нурота шахрининг Домалла маҳалласида XX асрнинг бошларида Сайфизаргар деган уста бўлиб, у фақат мис ва кумушдан ҳар хил тақинчоқлар, жумладан, “аробак” ҳам ясаган. Ўзбекистон арабларни миллий кийим-кечак ва тақинчоқларни таҳлил қилиш асносида уларни тикилиш ва таёrlаш жараёни билан

кралиб
и яшов-
чак ва
н гиззи
и натти
ан жи-
к маж-
миллий
б ўтил-
сирида
аб мил-

муста-
лан ўз-
ўз маз-
раккиё-
елмаса,
белги-
ий мил-
ярнинг
и этапи.
бувила-
йигит-
ёшлар

таш-
чикара-
с ҳарир
сатабак-
б қизла-

акланиб
ни бўл-
ди. Ай-
масдан,
б ўлган
бой хо-
инчоқ –
анларда
аталган.
б атала-
кида ёз-
кўпроқ
қида ёз-
ақинчоқ
рик дала
маҳалла-
идан ҳар
и кийим-
и билан

боғлиқ жиҳати арабларни ўзига хос этномаданиятини ташкил этади. Бошқа ҳалқлар билан этномаданий яқинлик натижасида арабларда ҳам ҳозирги кунга келиб, миллий ўзлик анг-
жаш хисси анча камайиб кетмоқда.

Аммо кейинги вақтларда кийимларида ўзига хос хусусиятлари йўқолиб, XX аср бошларидан бошлаб, янгича дизайнirdагi европача кийим-кечаклар кириб келиши жараёни кенг тарқалди.

Арабларнинг анъанавий тураг-жойларни ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради, яъни чорвачилик билан шуғулланган ҳалқлар, асосан, ўтов, ката ва чайлиларда яшаб келишган. Аммо XX аср ўрталаридан бошлаб, араблар ўтрок ҳаётига ўта бошлади. Собиқ советлар тузуми даврида арабларнинг турмуш тарзида ўзига хос замонавий уйлар курила бошланди, яъни пол, шифт ва шиферли тураг жойлари барпо этилди. 1960-йиллардан кейинги даврлар шахар ва қишлоқ этномаданиятида ўзига хос муҳим ўзгариш юз берганлидан далолат беради. Мазкур ўзгаришлар араблар турмуш тарзига ижобий таъсир этиш билан бирга, уларнинг чорвачилик билан шуғулланиб келаётган ярим кўчманчилари ҳам ўтрок ҳаётга ўта бошлади.

Совет тузуми даврида олиб борилган сиёсий мафкура араб ҳалқининг ҳам анъанавий ҳаёт тарзининг ўзгаришига олиб келди. Аммо араб миллий анъанавий маданиятни ва араб миллий безак ганч санъати сақланиб қолган.

Ўзбекистон арабларнинг этномаданий жараёнлари этнохўжалик турларлари ўрта Осиё ҳудудидаги ижтимоий-иктисодий ва сиёсий жараёнлар таъсир қилди. Жумладан, XX асрнинг 50-йиллардан хўжалигига янгича технологиялар кириб келиши натижасида катта ютуклар кўлга киритилди. Ўзбекистон араблари хўжалик фаолиятида ўтрок чорвачилик билан шуғулланишган. Технологиялар ўтроклашган араблар хўжалик фаолиятида туб ўзгаришлар натижасида ҳосилдорлик ошди. Чорвачиликдан деҳқончиликка ўта бошланди. Ҳақиқатдан, араблар доимий равишда XX аср ўрталаригача кўчиб юриб, чорвачилик билан шуғулланган бўлса, хўжалик муносабатига кейинчалик ўта бошлади.

Собиқ шўролар ҳукумати ушбу этномаданий миллий маданиятнинг белгиларини сунъий тарзда умумлаштироқчи, ҳатто "ягона социалистик турмуш тарзи" деган шиор билан йўқ қилмоқчи бўлди. Бироқ тарихий тараққиёт тарихий-маданий парадигмаларнинг яшовчанлигини, умумбокийлигини кўрсатди. Демак, биз ушбу тарихий тараққиёт қонунига риоя этишимиз, миллий тараққиётимизда унинг талабларини ҳисобга олишимиз даркор. Ўзбекистон Республикасининг мустақил миллий тараққиётга ўтгандан кейин уларни рационал танқид этиш имкони пайдо бўлди. Ушбу танқид мавжуд ютукларни, объектив фикрларни, инсоният тараққиёти учун фойдали бўлган томонларни эътироф этишга қаратилиши лозим. Ўзбекистон мустақиллиги шароитида қишлоқ турмуш тарзи янгиланишининг ижтимоий-сиёсий ва маънавий омилларини тадқиқ этиш муҳим эканлиги ва этномаданий хусусиятлари таҳлил этилди. Шу нуқтаи назардан қараганда, араб ҳалқи миллий ўзлигини англашининг ўсишини мураккаб ва зиддиятлигини объектив ҳаёт билан ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганиш бугунги кунда аҳамиятга эгадир.

Хулоса. Ўзбекистон арабларининг анъанавий турмуш тарзи, унинг этномаданий генезиси ва тараққиёти ҳамда ўзига хос хусусиятларга эгадир. Арабларнинг ўзи этномаданий шаклланишига кўра, миллий кийим-кечак, тақинчоқ, тураг жой ва хўжаликдаги ўзгаришлари таҳлил этилди. Улар эгалаб турган ҳудудда ислом динини тарғиб қилиш жараёнида маҳаллий аҳолининг этник таркибиға айланиб, туб ерли ҳалқлар билан бўлган этномаданий, этнохўжалик муносабатлари натижасида бир-бирига қон-қариндошлик ришталари билан яқинлашиб борган. Ҳозирги кунга келиб эса арабларининг маълум қисмигина этник ўзлигини сақлаб қолган. Арабларнинг этномаданияти ўзига хос жиҳатлари – деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ҳамда турли маданиятларнинг таъсирнида шаклланган. Ўзбекистон арабларнинг миллий маданиятни йўқолишига собиқ иттифоқ ҳукумат томонидан олиб борилган ички ва ташқи таъсир билан боғлиқдир.